

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖ ВА ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

// 18.09.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-va-oila-va-hotin-qizlar-qumitasi-urtasida->



Бугун «Ўзкимёсаноат» АЖда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибаева, жамият раҳбарияти ҳамда хотин-қизлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Унда тизим корхоналарида фаолият юритаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тизимда гендер тенгликни таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Жамият бошқарув раиси ўринбосари Акбар Курбанов 10 мингга яқин аёл ишчи-ходимларнинг тизимда тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб, мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аёллар учун аҳамияти, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки кўрсаткичларини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, амалий натижаларни қайд этди.

Шу ўринда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибаева «Ўзкимёсаноат» АЖда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратadbирларни эътироф этди.



Учрашув сўнггида «Ўзкимёсаноат» АЖ ва Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Меморандумда назарда тутилган ҳамкорлик йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- «Ўзбекистон - 2030» стратегиясида белгиланган вазифаларнинг тегишли бандларини нафақат Тошкент вилоятида, балки бутун республикамизда сифатли ва ўз вақтида бажарилишини сўзсиз ва сифатли таъминлаш;
- «Ўзкимёсаноат» АЖдаги хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш, уларни «Раҳбар аёллар» олий мактабига тавсия қилиш орқали соҳада раҳбар аёллар улушини ошириш.
- Кимё саноати йўналишида юқори ютуқларга эришган энг фаол хотин-қизларнинг Биринчи миллий форумини ташкил этиш:
- Тошкент вилоятидаги «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган 1000 нафар хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш ва маданий дам олишларини таъминлаш;
- Касаначиликни ривожлантириш доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхоналари ходимларининг оила аъзоларини пиллачилик ва ипакчилик йўналишларида қўшимча иш билан таъминлаш ва тармоқ ходимлари оилаларининг даромадини янада ошириш;
- Акциядорлик жамиятидаги оилалар ва хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган оила ва хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш;
- Меҳнат жамоасидаги ходимлар, бириктирилган ҳудуддаги оилаларнинг маънавий-ахлоқий

ҳолатини ўрганиш ва яхшилаш, муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал этиш борасида сайёр қабуллар ташкил этиш;

• «Ўзкимёсаноат» жамиятида фаолият юритаётган хотин-қизларни Зулфия номидаги давлат мукофоти, «Мўътабар аёл», «Ибрatли оила» кўкрак нишонига тавсия этиб бориш каби бандларни ҳамкорликда амалга ошириш.







«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати